



2015 у.г. « 8 » август

№ 1023-К

“Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Зарафшон” массивида
“JOMBOY DON MAHSULOTLARI” акциядорлик жамиятига нон ва нон
маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи (“Wachtel” нон цехи ўрнатиш)
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”

“JOMBOY DON MAHSULOTLARI” акциядорлик жамияти туман ҳокими номига “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Зарафшон” массиви худудидан намунавий лойиха асосида қурилаётган уй жойлар массиви бош режасидан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи (“Wachtel” нон цехи ўрнатиш) қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосасини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид булмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “JOMBOY DON MAHSULOTLARI” акциядорлик жамиятига “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Зарафшон” массиви худудидан намунавий лойиха асосида қурилаётган уй жойлар массиви бош режасидан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи (“Wachtel” нон цехи ўрнатиш) қуриш учун 0,10 га қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари хисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. “JOMBOY DON MAHSULOTLARI” акциядорлик жамиятига нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи (“Wachtel” нон цехи ўрнатиш) қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиха ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.